

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИКРОМОВ БАХРОМ ФАРХОДОВИЧ

**БОШЛАНГИЧ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ
ЭШКАКЧИ БАЙДАРКАЧИЛАРНИНГ МУВОЗАНАТ
ТУРҒУНЛИГИНИ ИННОВАЦИОН ВОСИТА ВА УСУЛЛАР
ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Икромов Бахром Фарходович

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчи
байдаркачиларнинг мувозанат турғунлигини инновацион восита ва усуллар
ёрдамида ривожлантириш.....3

Икромов Бахром Фарходович

Развитие устойчивости равновесия у гребцов байдарочников с помощью
инновационных средств на начальном этапе подготовки.27

Ikromov Bakhrom Farkhodovich

Development stability of balance of kayakers at the initial stage of training by
using nnovative means.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИКРОМОВ БАХРОМ ФАРХОДОВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ
ЭШКАКЧИ БАЙДАРКАЧИЛАРНИНГ МУВОЗАНАТ
ТУРҒУНЛИГИНИ ИННОВАЦИОН ВОСИТА ВА УСУЛЛАР
ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped828 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жуманов Ортиқмат Сангилбоевич педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Алламуратов Шухрат Иноятович биология фанлари доктори, доцент Купалов Санжарбек Улугбекович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «Б» биноси, 2-қават, кичик зал.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» «_____» куни тарқатилган.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафадоктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Инсоннинг жисмонан соғлом, ақлан етук, кучли, иродали, матонатли бўлиб тарбияланишида спорт турларининг ўрни беқиёсдир. Жаҳонда ёш эшкакчи байдаркачиларнинг ўқув тренировка жараёнини ташкил этиш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Шу ўринда эшкак эшиш спорт турлари дунё миқёсида кенг оммавийлашиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда байдаркада эшкак эшиш турини ривожлантиришда иқтидорли болаларни жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш, ўқув-машғулотларни замонавий технологиялар асосида ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда эшкак эшиш назарияси ва услубияти бўйича мутахассислар томонидан ёш спортчиларни жисмоний ҳамда функционал тайёргарлигида қўлланиладиган янги восита ва усулларни ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш, тайёргарликнинг бошланғич босқичида эшкак эшиш техникасини ўзлаштириш ҳамда машғулот юкламаларини режалаштириш юзасидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда байдаркада эшкак эшиш турида натижаларнинг жадал ўсиши мазкур соҳада нафақат анъанавий машқлардан фойдаланиш, балки ёш эшкакчиларнинг мувозанат сақлаш, координацион имкониятлари ва вестибуляр аппаратини шакллантириш ва ривожлантириш учун замонавий спорт жиҳозларидан фойдаланган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган ўқув машғулотларни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Республикамызда оммавий спорт, айниқса, болалар спортини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш муҳим”¹ аҳамият касб этмоқда. Бу борада спорт захираларини тайёрлаш муаммоси устувор вазифалардан саналади. Келажакдаги спорт муваффақиятлари ва ютуқлар пойдевори тайёргарликнинг дастлабки босқичларида шакллантирилади ва захира тайёргарлигининг сифати эвазига мустаҳкамланади. Сўнгги ўн йилликдаги илмий ишлар натижаларини таҳлил қилиш бизларга эшкакчиларнинг мувозанат турғунлигини тезкор ривожланишига ёрдам берувчи инновацион восита ва маҳсус жисмоний машқлар мажмуасини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фақатгина сувдаги машғулотларда эмас, балки қуруқликда ҳам эшкак эшиш асосларини ўзлаштириш билан бир қаторда мувозанатни шакллантириш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш, оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармони

ривожлантиришда қўлланилувчи ва йил давомида ўқув машғулотлари жараёнида мақсадга мувофиқ бўлган услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш талабини қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эшкак эшиш спортининг бошланғич тайёргарлик босқичида тайёргарлик даври асосий бўлиб, эшкак эшиш техникасини ўзлаштириш ва мувозанат қобилиятини ривожлантириш хусусиятлари ўрганилган, бироқ мувозанат, баланс хисси, вестибуляр аппаратни ривожлантиришда комплекс ёндашув бўйича муаммолар етарлича ўрганиб чиқилмаган. Ватанимиз олимларидан Б.М.Бондарев, Ф.А. Керимов В.М.Корбутлар жисмоний тайёргарлик, координицион қобилиятларни ривожлантиришда янги инновацион технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борганлар². Биіроқ ишлаб чиқилган услуб ва воситаларни амалиётда қўллаш самаралорлиги бўйича муаммолар тадқиқ этилмаган.

Илмий, услубий ва ихтисослаштирилган адабиётларда тадқиқотлар асосан барқарор мувозанати ва беҳато эшиш техникасига эга эшкакчиларда олиб борилади. Бошланғич тайёргарлик босқичида қайикни бошқариш билан бир вақтнинг ўзида мувозанатни шакллантириш ва жадал ривожлантириш, эшкак эшиш техникасини тезкор ўзлаштиришга бағишланган тадқиқотлар эса бармоқ билан санокли. Кўпгина машҳур олимлар (Г.М.Краснопевцев, В.Н.Гаврилов, Н.В.Жмарев, И.Ф.Емчук, В.И. Лях) эшкак эшиш техникасини ўзлаштириш ва мувозанатни шакллантириш, авваламбор, қуруқликда олиб борилиши кераклигини таъкидлайдилар. Аммо қандай усуллар ва

² Бондарев Б. М. Развитие навыка равновесия и чувства воды при обучении технике гребли на байдарках и каноэ //Ежегодник «Гребной спорт. – 1986. – С. 60-63., Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар. - Тошкент. Зар қалам, 2004. - 334 б. Корбут В.М., Коротков В.А. Гребля на байдарках и каноэ. Учебное пособие – Т.: Лидер Пресс, 2007. – 145 с

ёндашувлардан фойдаланиш, қандай воситаларни қўллаш бўйича саволларга жавоб бермаганлар.³

Инновацион восита ва усуллардан машғулотлар жараёнида қўлланилиш самарадорлиги бўйича(Л.А Зеленин, П. Арал, И. Эроглу Корайис) бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган ва эшкак эшувчиларда мувозанат турғунлигини ривожлантиришга қаратилган услуб ва воситалар ишлаб чиқилган, бироқ бу тадқиқотларда қўлланилган услуб ва усулларнинг машғулот жараёнига, бевосита мувозанат турғунлигининг ривожланишига қай тарзда таъсир кўрсатаётганлигини назорат қилиш бўйича объектив ва тезкор усуллар мавжуд эмас.⁴

Бундан шу нарса маълум бўладики, эшкак эшиш техникасини ўзлаштириш ва мувозанат турғунлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион ишланмаларни яратиш билан бир қаторда мазкур қобилиятни ривожланиш динамикасини объектив назорат қилиш имконига эга бўлган усул ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш мақсадга мувофиқ ва куннинг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасининг V-1-28 “Республикадаги спорт таълим муассасаларида сув спорти ва эшкак эшиш турлари бўйича тарбияланувчи ёшларнинг тайёргарлик тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич тайёргарлик босқичида байдаркада эшкак эшувчиларнинг техник элементларини сифатли ўзлаштириш учун мувозанат турғунлигини ривожлантиришга қаратилган инновацион восита ва усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи байдаркада эшкак эшувчиларнинг мувозанат турғунлигини ривожлантиришга йўналтирилган машғулот тузилмасини ишлаб чиқиш;

мувозанат турғунлигининг ривожланиш динамикасини оператив назорат қилишга имкон берувчи электрон дастур ишлаб чиқиш;

³Краснопевцев Г.М. Гребля на байдарках и каноэ. М.: ФиС. 1956. -178 с., Гаврилов В.Н. Гребля на байдарках и каноэ. Харьков: Виша школа: Изд-во при Харьковском университете, 1980. - 192 с., Жмарев Н.В. Тренировка гребцов. М.: Физкультура и спорт, 1981.- 111с., Емчук И.Ф. Гребной спорт, ученик для ИФК М., физ., 1987, Лях В.И. Двигательные способности школьников: Основы теории и методика развития. М.: Тера-Спорт, 2000. - 192 с.

⁴ Зеленин, Л.А. Биомеханические параметры нового тренажёра для гребли / Л.А. Зеленин // Педагогико-психологические и медико-биологические проблемы [Российский научный электронный журнал]. - 2012. - № 3 (24). - С. 21-29. Зеленин, Л.А. Инновационный метод развития координационных способностей в гребле / Л.А. Зеленин // Педагогико-психологические и медико-биологические проблемы физической культуры и спорта: [Российский научный электронный журнал]. - 2012. - № 4 (25).-С. 51-54. Aral P, ErogluKolayiş I. The effects of 8 week balance training on the kayaking performance of the beginners. Pedagogics, psychology, medical-biological problems of physical training and sports, 2018;22(4):170–176.

мувозанат турғунлигини ривожлантириш ва эшиш техникаси элементларини ўзлаштиришга йўналтирилган махсус тренажер яратиш;

координацион имкониятларни ривожлантириш орқали эшиш техникаси элементларини сифатли ўзлаштириш самарадорлигини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфидаги спортнинг сув турлари буйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг 10-11 ёшли байдаркада эшкак эшувчилар билан олиб борилган ўқув-машғулотлар жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети байдаркада эшкак эшувчиларнинг мувозанат турғунлигини ривожлантириш ва эшиш техникасини ўзлаштиришга йўналтирилган инновацион тренажер ва махсус машқлар мажмуасидан фойдаланиш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, психологик тестлаш, инструментал услуб, эксперт баҳолаш услуби, педагогик тажриба ва математик статистика услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

бошланғич тайёргарлик босқичида байдаркада эшкак эшувчиларнинг махсус мувозанат қобилиятини ривожлантириш учун «БОСУ» платформасида одатий жисмоний юкламалар жараёнида иштирок этмайдиган майда мушак гуруҳлари тонусини оширишга йўналтирилган ноанъанавий машғулот тузилмасини ишлаб чиқиш ҳисобига эшиш жараёнидаги мувозанатни барқарор ушлаб туриш имконияти кенгайтирилган;

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи байдаркада эшкак эшувчиларнинг махсус тайёргарлигини назорат қилиш учун ишлаб чиқилган «Kayak balance control» дастури орқали мувозанат сақлаш турғунлигини ривожлантиришда олинган тезкор ахборотни қайта ишлаб, машғулот жараёнини масофа бўйлаб оғиш бурчаги ва вақтини коррекциялаш ҳисобига қисқа муддатда турғун мувозанатга эришиш имконияти такомиллаштирилган;

байдаркада эшкак эшувчиларнинг машғулот жараёнида «Kayak balance training ergometr» инновацион тренажеридан фойдаланиб ўзига хос мувозанат ҳиссини тренажердан сувдаги қайиққа ижобий равишда ўтказиш учун ҳар бир босқич давомида ўрнатилган оғиш меёридан чиқмаган ҳолда эшиш ҳаракати иммитациясини сувдаги фаолиятга максимал яқинлаштириш ҳисобига техник элементларни ўзлаштириш имконияти такомиллаштирилган;

байдаркада эшкак эшувчиларда статик ва динамик мувозанат машқларини уйғунликда қўллаш учун беқарор ҳамда ўзгарувчан таянччи «Баланс ёстикчаси» орқали машғулотларга киритиш ҳисобига координацион имкониятларни ривожлантириш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мувозанат турғунлигини ривожлантириш ва эшиш техникаси элементларини ўзлаштиришга йўналтирилган махсус тренажёр ҳамда мувозанат турғунлигини, ривожланиш динамикасини оператив назорат қилишга имкон берувчи электрон дастур(илова) яратилган;

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчиларнинг машғулот жараёнларига “КВТЕ” тренажери ва махсус машқларни татбиқ этиш шуғулланувчилар томонидан байдаркада эшкак эшиш техникаси элементларини оқилона ўзлаштирилишига, қайиқ бошқарувида мувозанат турғунлигининг ривожланишига ҳамда спортчиларнинг машғулот олди вазиятга хос хавотирланиш кўрсаткичларининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатилган;

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчи байдаркачиларнинг мувозанат турғунлигини ривожлантиришда инновацион тренажер ва махсус машқлар мажмуасининг самарадорлиги педагогик тажрибада исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчиларнинг мувозанатини ривожлантиришда қўлланиладиган тренажер ва махсус машқлар мажмуаси шуғулланувчиларнинг баланс ҳисси, координацион имкониятлари, мувозанат кўникмаси ва вестибуляр аппаратини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берди, бу эса эшкакчининг бевосита қайиқда эшиш ҳаракатларини ишончли бажариш, турғун мувозанатга қисқа вақт ичида руҳий тўсиқларсиз эришишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёш эшкак эшувчиларда мувозанат турғунлигининг ривожланишини назорат қилишда “Kayak balance control” махсус иловасининг жорий этилиши мураббийларга қатор устунликларни тақдим этади. Натижада мураббийлар машғулот жараёнини мақбуллаштириш, уни янада самарали қилиш ва бўлажак натижаларни прогнозлаштириш имконига эга бўладилар.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи байдаркада эшкак эшувчиларнинг

мувозанат турғунлигини ривожлантириш орқали эшиш техникаси элементларини сифатли ўзлаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

мувозанат турғунлиги, координацион имкониятлар ва вестибуляр аппаратни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланилган «БОСУ» воситасидан фойдаланиш бўйича таклифлар Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси тасарруфидаги спортнинг сув турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби байдаркада эшкак эшиш бўйича тарбияланувчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 03-07-08-3501-сон маълумотномаси). Натижада ёш эшкакчи байдаркачиларнинг мувозанатни сақлаш қобилияти бўйича кўрсаткичлари кўзни очиб бажариш машқида ўртача 20,9% га, кўзни юмиб бажаришда ўртача 18,0% га яхшилانган;

эшкакчиларнинг сувдаги мувозанат турғунлиги ва унинг ривожланиш динамикаси бўйича тўлиқ, объектив ва тезкор маълумотлар тақдим эта олувчи “КВС” махсус электрон иловасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар Ўзбекистоннинг байдаркада эшкак эшиш бўйича етакчи спортчиларининг қайиқдаги мувозанат турғунлигини назорат қилиш жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 03-07-08-3501-сон маълумотномаси). Натижада байдаркада эшкак эшиш бўйича фаолият олиб борувчи 3- спорт даражасига эга эшкакчи байдаркачиларда қайиқдаги томонларга оғиш бурчаклари бўйича кўрсаткичлари чап ва ўнг томонлар бўйича мос равишда 6,67 ва 8,68 градусни, Халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига эга эшкакчи байдаркачиларда 5,87 ва 5,95 градусни ташкил этган;

ёш эшкакчи байдаркачиларнинг машғулот жараёнини фаол рағбатлантириб, куруқликда мувозанат турғунлигини шакллантиришга имкон берувчи “Kayak balance training ergometr” тренажёридан фойдаланиш бўйича тавсиялар Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ўқув-машғулотлари жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 03-07-08-3501-сон маълумотномаси). Натижада ёш эшкакчи байдаркачиларнинг “эшкакни сувга киритиш”, “эшкакни тортиш”, “сувдан чиқариш” ва “эшишга тайёргарлик” каби техника элементларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари 13-15% га ошган;

байдаркада эшкак эшувчиларнинг координатцион имкониятларини ривожлантириш механизми бўйича таклиф ва тавсиялар «Eshkak eshish nazariyasi va uslubiyati» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 28 июндаги 434-314-сон гувоҳномаси). Натижада тажриба охирига келиб 10-11 ёшли шуғулланувчиларнинг мувозанатни сақлаш қобилияти бўйича кўрсаткичлари яхшиланди ва назорат гуруҳиникига нисбатан сезиларли фарқлар ($P < 0.05$) аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат. 121 саҳифа матн, 10 та расм, 19 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнингфан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич тайёргарлик босқичида мувозанат турғунлигининг ўрни ва координацион қобилиятни ривожлантириш услуб ва усулларининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида байдаркада эшкак эшишнинг бошланғич тайёргарлик босқичида мувозанат турғунлигининг ўрни, координацион қобилиятларининг турлари ва ривожланишининг ёш, жинс ва индивидуал хусусиятлари, координацион қобилиятларни тарбиялашнинг методик ёндашувлари ва усуллари, эшкак эшиш спортида тренажёр воситаларини яратишнинг назарий ва методологик асослари юзасидан маълумотлар ёритиб берилган.

Эшкак эшиш техникасининг 50% элементларини куруқликда ўзлаштириш мумкин, айниқса, ўргатишнинг дастлабки даврида индивидуал ёндашув жуда зарур. Техник элементларни ўзлаштириш билан бир қаторда мувозанатга оид машқларни, авваламбор, куруқликда бажариш ва кейингина сувга чиқиш мақсадга мувофиқдир.

В.И. Лях ва бир гуруҳ олимлар 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларда турли махсус ва ўзига хос координацион қобилиятнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилганлар.

Турли ёш даврида координацион қобилият ривожланиши турли вақтда ва турли йўналишда ўтиши аниқланган. Бироқ турли координацион қобилиятнинг энг интенсив кўрсаткичлари 7 ёшдан 11-12 ёшгача бўлган даврда ўсади. Муаллифларнинг таъкидлашича, айтиб ўтилган ёш давларида

координацион қобилиятнинг тезкор ривожланиши ва такомиллашуви учун энг мақбул руҳий-интеллектуал, анатомик-физиологик ва моторик шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Мувозанат қобилияти қиз болаларда 13 ёшгача, ўғил болаларда эса 14 ёшгача сенситив даврларга эга.

Тренажёр воситаларини ишлаб чиқиш ва яратиш юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлашда асосий компонентлардан бири ҳисобланган ҳаракат-координация қобилиятларини ўзлаштириш самарадорлиги ва уларни тезкор ўргатишга алоқадор бўлиб, уларни қўллашнинг йўналтирилган услуги шуғулланувчилар тайёргарлигининг мувофиқ томонлари диагностикаси, назорати, ривожланиши ва такомиллашувини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва унинг ташкил этилиши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, психологик тестлаш, инструментал услуб, эксперт баҳолаш услуги, педагогик тажриба ва математик статистика услублари ҳамда тадқиқотнинг ташкил қилиниши юзасидан маълумотлар баён этилган.

Илмий тадқиқотлар 2017 - 2021 йиллар давомида тўрт босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда (2017– 2018 йиллар) эшкак эшувчиларни координацион имкониятларини, хусусан, мувозанат турғунлигини ривожлантиришга доир махсус, илмий-методик адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, эшкак эшиш бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва болалар-ўсмирлар Олимпия ўринбосарлари спорт мактаблари учун ишлаб чиқилган дастурлар ўрганилди, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинган ҳолда умумлаштирилди. Биринчи босқичда олиб борилган таҳлиллар натижалари асосида илмий тадқиқотимизнинг мақсад ва вазибалари белгилаб олинди.

Иккинчи босқич давомида (2018- 2020 йиллар) тадқиқотларга жалб қилинган 10-11 ёшли ўғил болалар мувозанатни сақлаш қобилиятини баҳолаш (мураккаб Ромберг синови), жисмоний ривожланганликни аниқлаш ва жисмоний тайёргарлик тесизлари асосида ўзаро бир-бирига яқин бўлган 20 нафар ўғил болалардан иборат тажриба ва назорат гуруҳларига ажратиб олинди. Мувозанат турғунлигини ривожлантириш ва эшиш техникаси элементларини ўзлаштиришга йўналтирилган махсус тренажёр ҳамда мувозанат турғунлигини, ривожланиш динамикасини оператив назорат қилишга имкон берувчи электрон дастур(илова) яратилди. Эшкакчи байдаркачиларнинг координацион имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Учинчи босқичда (2020- 2021 йиллар) педагогик тажриба ўтказилди, бизлар томонидан ишлаб чиқилган махсус машқлар педагогик тизими байдаркада эшкак эшувчилар машғулот жараёнига татбиқ этилди, қўлланилган услуб ва воситаларнинг мувозанат қобилияти ва спорт-техник кўрсаткичларининг намоён бўлиш даражасига таъсир натижалари аниқланди.

Тўртинчи босқичда (2021 йил) тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш амалга оширилди, олинган маълумотлар таҳлил қилинди, амалий

тавсиялар ва хулосалар тузилди, диссертация иши расмийлаштирилди ва натижалар амалиётга татбиқ этилди.

Диссертациянинг **“Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчи байдаркачиларнинг мувозанат турғунлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион восита ва усулларнинг асосланиши”** деб номланган учинчи бобида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчиларда мувозанат турғунлигини ривожлантириш услублари ва унинг назорати, “Kayak balance training ergometr” махсус тренажёри ва уни қўллаш методикаси, байдаркада эшкак эшиш бўйича фаолият олиб борувчи турли спорт даражасига эга эшкакчиларнинг қайикдаги томонларга оғиш бурчаклари бўйича кўрсаткичлар, бошланғич тайёргарлик босқичида байдаркада эшкак эшувчиларнинг машғулотларини режалаштириш, координацион имкониятлар ва махсус мувозанат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланувчи машқлар мажмуаси ёритиб берилган.

Эшкак эшиш спортида сувни сезиш ва мувозанат турғунлигининг ўрни қанчалик муҳим эканлиги ва уни ривожлантириш услублари ҳамда назорати бўйича соҳада олиб борилаётган ишлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мақсадида Тошкент ва Тошкент вилояти ҳудудидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида эшкак эшиш ихтисослиги бўйича иш олиб борувчи мураббийлар ўртасида сўровнома ўтказдик.

Сўровномада 30 нафар мураббий иштирок этди. Сўров жараёнида 100% мураббийлар эшкак эшиш спортида, айниқса, тайёргарликнинг бошланғич босқичида сувни ҳис қилиш ва мувозанат муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ушбу сўровномадан олинган маълумотларни инобатга олган ҳолда соҳада мавжуд муаммоларни қисман бўлса-да ҳал этиш мақсадида мураббийларга улар қўл остида шуғулланувчи эшкакчиларнинг сувдаги мувозанат турғунлиги ҳамда ривожланиш динамикаси ҳақида тўлиқ, объектив ва тезкор маълумотлар тақдим эта олиш мақсадида биз махсус электрон дастур (илова) яратишга қарор қилдик. Ушбу дастур (илова) электрон героскоп асосида яратилган бўлиб, у жисм (қайик)нинг томонларга тебранишида оғиш бурчакларини қайд эта олади. Ушбу дастур (илова) андроид дастурига эга электрон қурилмаларга (смартфон, планшет) юклаб олиниши ва қўлланилиши мумкин.

“Kayak balance control” дастури (илова) юклаб олинган қурилма қайиққа маҳкамланади ва эшиш давомида унинг оғиш бурчакларини қайд этиб боради. Шу билан бирга дастурда (илова) оғиш нормасини ўрнатиш функцияси бўлиб, спортчи эшиш давомида неча маротаба ушбу нормани бузганлиги тўғрисидаги маълумот сақланиб борилади.

Қурилманинг афзаллик томони шундаки, у мураббийларга мувозанат турғунлигининг ривожланиши бўйича жорий, оралик ва якуний назоратларни


олиш, кўрсаткичларни таққослаш ҳамда ўсиш динамикасини кузатиб бориш имконини беради.

“Kayak balance control” эшкакчиларда мувозанат турғунлигини назорат қилиш билан бирга биз томондан яратилган махсус “Kayak balance training ergometr” тренажёрининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган “Kayak balance training ergometr” инновацион тренажёр тайёргарлик даврида машғулот жараёнини фаол рағбатлантириб, курукликда сув мувозанатини шакллантиришга оид эшкак эшишнинг техник тайёргарлигини қайикнинг сувдаги координацион фаолиятига максимал даражада яқинлаштириш имконини беради(№FAP01510).

“Kayak balance training ergometr” тренажёр мувозанатни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда эшкак эшиш ҳаракатлари техникасининг асосларини ўзлаштириш имконини беради. Ноёб тренажёр қайта алоқага эга бўлиб, бу эшкакчига бажарилган машқ сифатига оид тезкор маълумотни олиш имкониятини яратади. Тренажёр қурилмасининг ўзига хослиги шундаки, у шакли, кўриниши, тузилиши ва оваллиги бўйича пойгада фойдаланиладиган яккалик байдаркага мувофиқдир.

Тренажёрнинг тебранувчи ҳаракатлари очик сувдаги байдарканинг тебранувчи ҳаракатларига мосдир. Спортчи мувозанатининг ўзига хос тизими ижобий равишда тренажёр қурилмасидан сувдаги қайикқа ўтади. Спортчи томонидан тренажёрда бажариладиган эшкак эшиш ҳаракатлари техникаси мусобақага оид ҳаракатлар тузилишига мувофиқ келади. (1-расм)



1-расм. 1- асос, 2-ўриндиқ, 3- оёқ тиргагич, 4, 5- ярим овал шаклидаги таянчлар, 6- эшкак имитатори, 7- тортилувчан резина, 8- вал, 9- шкив, 10- айланувчан барабан, 11- “КВС” электрон дастур(илова).

Тренажёр ёш эшкакчиларнинг мувозанат барқарорлигини тез вақт ичида ривожлантиришга доир махсус жисмоний машқлар тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Ушбу тренажёрда мувозанат турғунлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш уч босқичда амалга оширилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

“Kayak balance training ergometr” тренажери ёрдамида мувозанат турғунлигини ривожлантириш методикаси

I босқич		
Тренажёрдан фойдаланиш Ҳолатлари	Ҳаракатлар тартиби	Босқич давомийлиги
Шуғулланувчи тренажёрда махсус ўриндик ва эшкак имитаторидан фойдаланмаган ҳолда ҳаракатланади	Шуғулланувчи “КВС” иловасида 8,5гр. оғиш нормасини ўрнатади ва эшкак эшиш ҳаракатини иммитация қилади	Ўрнатилган оғиш нормаси бўйича йўл қўйилган хатолар сони минимумга етганда кейинги босқичга ўтилади
II босқич		
Шуғулланувчи тренажёрда махсус ўриндикда ўтирган ҳолда эшкак имитаторидан фойдаланмасдан ҳаракатланади	Шуғулланувчи “КВС” иловасида 8,5гр. оғиш нормасини ўрнатади ва эшкак эшиш ҳаракатини иммитация қилади	Ўрнатилган оғиш нормаси бўйича йўл қўйилган хатолар сони минимумга етганда кейинги босқичга ўтилади
III босқич		
Шуғулланувчи тренажёрда махсус ўриндик ва эшкак имитаторидан фойдаланган ҳолда ҳаракатланади	Шуғулланувчи “КВС” иловасида 8,5гр. оғиш нормасини ўрнатади ва эшкак эшиш ҳаракатини иммитация қилади	Ўрнатилган оғиш нормаси бўйича йўл қўйилган хатолар сони минимумга етганда босқич якунланади

Изоҳ: Учинчи босқич якунидан сўнг эшиш техникасини такомиллаштириш мақсадида оғиш нормаси мунтазам пасайтириб борилади.

Назорат ва тажриба гуруҳларидаги шуғулланувчиларнинг қайиқдаги мувозанат турғунлигини назорат қилиб бориш ва ўзаро солиштириш ҳамда махсус тренажёрда мос оғиш нормасини созлаш мақсадида тадқиқот олдида тийёргарликнинг барча босқичларида шуғулланаётган эшкакчи байдаркачиларнинг қайиқларда томонларга оғиш бўйича кўрсаткичлари “Kayak balance control” электрон дастур(илова) ёрдамида аниқлаб олинди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Байдаркада эшкак эшиш бўйича турли спорт даражасига эга эшкакчиларнинг қайиқдаги томонларга оғиш бўйича кўрсаткичлари

№	Спортчи даражаси	Қайиқнинг томонларга оғиш бурчаги	
		Чап (градус)	Ўнг (градус)
1	Халқаро тоифадаги спорт устаси(ХТСУ), n=5	5,87	5,95
2	Спорт устаси (СУ), n=10	5,92	6,12
3	Спорт усталигига номзод (СУН),n=20	6,18	6,76
4	1- спорт даражаси, n=20	7,67	7,98
5	2- спорт даражаси, n=20	8,34	8,76
6	3- спорт даражаси, n=20	8,67	8,68

Ҳозирги кунга келиб мувозанат, баланс, координацион имкониятлар ва вестибуляр аппаратни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланилиши мумкин бўлган кўпгина восита ва жиҳозлар (“БОСУ”, “Фитбол”, “Баланс ёстикчаси”) ишлаб чиқилган. Ёш эшкакчилар машғулотларида нафақат анъанавий машқлардан фойдаланиш, балки юқорида айтиб ўтилган

жиҳозлардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ўтказиш ижобий натижаларни олишга имкон беради (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчи байдаркачиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантирувчи машқлар мажмуаси

Машқларни мақсадли йўналтириш	Асосий воситалар	Методик кўрсатмалар	Машғулотдаги ўрни
Мувоzanат турғунлиги ва баланс ҳиссини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган	“Bosu”да турли тана ҳолатларини маълумвақтдавомида ушлаб қолиш	Машқлар икки оёқда, бир оёқда, “Қалдирғоч” ҳолатида, кўзларни юмиб, гантеллардан фойдаланиб бажарилади	Машғулотнинг тайёргарлик ёки асосий қисмида
Мувоzanат турғунлиги ва баланс ҳиссини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган	Тананинг турли ҳолатларида “Fitball”да мувоzanатни сақлаб қолиш	Машқлар ўтирган ҳолатда, қорин ва бел билан ётган ҳолатда тизза билан чўккайиб турган ҳолатда машқларни кўзни юмиб ва гантеллар билан бажарилади	Машғулотнинг тайёргарлик ёки асосий қисмида
мувоzanат, баланс, координацион имкониятлар ва вестибуляр аппаратни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган	“Bosu”да турли ҳаракатларни амплитудани ошириб борган ҳолда бажариш	Юриш(жойида, ўз ўқи атрофида), УРМ машқларини бажариш, эшкак эшишни иммитация қилиш	Машғулотнинг асосий қисмида
Қайиқдаги мувоzanат ҳиссини ривожлантириш ва координацион ҳаракатларни ўзлаштиришга йўналтирилган	“Fitball”да ўтирган ҳолда эшкак эшиш ҳаракатларини иммитация қилиш	УРМ машқларини бажариш, жуфтлик ва гуруҳда тўп узатиш, эшкак эшиш ҳаракатларини иммитация қилиш	Машғулотнинг асосий қисмида
Мувоzanат турғунлигини ривожлантириш ва эшкак эшиш техникаси асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган	“КВТЕ”тренажёрда эшкак эшиш ҳаракатларини иммитацияси	Мониторда мос оғиш нормасини ўрнатади ва эшкак эшиш ҳаракатлари иммитацияси бажарилади	Машғулотнинг асосий қисмида

Мувоzanат турғунлигини ривожлантириш бўйича машғулотлар ҳафтасига 3 маротаба “БОСУ”, “Фитбол”, “Баланс ёстикчаси” ва махсус тренажёрдан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Ҳар бир ҳафта учун "мувоzanат бўйича машғулот режаси" тайёрланди. Ҳар бир машғулот 10 дақиқалик чигал ёзди, ўнта махсус мувоzanат машқлари ва тренажёрда эшкак эшишдан иборат. Мувоzanат машқлари (ҳар бир машқ 3 дақиқа, машқлар орасида 30 сониялик дам олиш вақти берилган) айланма усулда 40 дақиқа давомида бажарилади. Жисмоний машқлар оддийдан мураккабга қараб амалга оширилди, бунда статик машқлар динамик машқлар билан уйғунликда олиб борилди, машғулот темпи аста-секин керакли тезликка кўтарилади.

Диссертациянинг “Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи эшкакчи байдаркачиларнинг мувозанат турғунлигини ривожлантиришга йўналтирилган восита ва усулларни қўллаш самарадорлиги ва олинган натижалар динамикаси” деб номланган тўртинчи бобида 10-11 ёшли шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланганлик ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, эшкак эшиш техникаси элементларини ўзлаштирганлик динамикаси, вазиятга хос хавотирланиш кўрсаткичларини баҳолаш, мувозанатни сақлаш қобилияти ва “Caуak balance control” тести муҳокама қилинган. Тажриба ва назорат гуруҳларига саралаб олинган 10-11 ёшли шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши бўйича тадқиқотдан олдин ва кейин олинган натижалари 4 – жадвалда берилган.

Педагогик тажриба бошида олинган натижаларига кўра тажриба ва назорат гуруҳларининг 10-11 ёшли шуғулланувчилари ўртасида ўтказилган жисмоний ривожланишни аниқлаш бўйича тест натижаларида статистик фарқлар кузатилмади [$P > 0,05$]. Тадқиқот охирида тажриба ва назорат гуруҳидаги 10 ва 11 ёшли синалувчиларнинг тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси кенглиги, ўнг ва чап қўл панжа кучи, ўпканинг тириклик сифимини аниқлаш бўйича тест натижалари ўртасида статистик фарқлар кузатилмаган бўлса ҳам, кўрсаткичлар сезиларли равишда ўсганлиги аниқланди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчиларининг тажриба бошида ва тажриба сўнггида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар		10 ёш				11 ёш			
			НГ	ТГ	t	P	НГ	ТГ	t	P
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Тана узунлиги	см	$\frac{140,7 \pm 0,7}{141,2 \pm 0,8}$	$\frac{139,7 \pm 0,8}{142,4 \pm 0,8}$	$\frac{0,91}{1,17}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{141,2 \pm 0,9}{142,2 \pm 0,2}$	$\frac{142,5 \pm 0,8}{143,2 \pm 0,2}$	$\frac{0,69}{1,43}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$
2	Тана оғирлиги	кг	$\frac{32,4 \pm 0,9}{34,7 \pm 0,6}$	$\frac{33,6 \pm 0,9}{35,9 \pm 0,1}$	$\frac{1,14}{1,39}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{33,5 \pm 0,8}{35,2 \pm 0,2}$	$\frac{33,9 \pm 0,6}{36,9 \pm 0,5}$	$\frac{0,79}{1,56}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$
3	Кўкрак қафаси айланаси	см	$\frac{66,5 \pm 0,7}{67,1 \pm 0,6}$	$\frac{65,8 \pm 0,7}{68,9 \pm 0,4}$	$\frac{0,78}{1,77}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{66,1 \pm 0,9}{68,0 \pm 0,2}$	$\frac{67,9 \pm 0,9}{69,1 \pm 0,5}$	$\frac{1,08}{1,89}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$
4	Ўнг қўл панжа кучи	кг	$\frac{13,8 \pm 0,4}{14,4 \pm 0,9}$	$\frac{12,8 \pm 0,7}{15,2 \pm 0,7}$	$\frac{1,49}{1,97}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{13,4 \pm 0,9}{15,1 \pm 0,6}$	$\frac{12,2 \pm 0,8}{16,2 \pm 0,1}$	$\frac{0,84}{1,54}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$
5	Чап қўл панжа кучи	кг	$\frac{11,3 \pm 0,6}{13,6 \pm 0,8}$	$\frac{12,3 \pm 0,7}{14,7 \pm 0,3}$	$\frac{0,87}{1,23}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{11,6 \pm 0,9}{13,8 \pm 0,2}$	$\frac{12,1 \pm 0,7}{13,9 \pm 0,2}$	$\frac{1,04}{1,63}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$
6	Ўпканинг тириклик сифими	мл	$\frac{1711,6 \pm 50}{1798,3 \pm 45}$	$\frac{1713,8 \pm 11}{1802,0 \pm 20}$	$\frac{1,31}{1,88}$	$\frac{\geq 0,05}{> 0,05}$	$\frac{1799,5 \pm 50}{1889,2 \pm 11}$	$\frac{1780,3 \pm 45}{1938,1 \pm 12}$	$\frac{1,54}{2,74}$	$\frac{\geq 0,05}{< 0,05}$

Изоҳ: Сурагда - тажрибадан олдинги натижалар; махражда - тажрибадан кейинги натижалар. НГ - назорат гуруҳи, ТГ - тажриба

Бошланғич тайёргарлик гуруҳидаги 10-11 ёшли шуғулланувчиларнинг тезкорлик, тезкор-куч, куч даражаси, эгилувчанлик, чидамлилик каби жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражаси ва ҳаракат координацияси кўрсаткичлари аниқланди. Педагогик тажриба бошланишида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида 10-11 ёшли ўғил болаларнинг жисмоний

тайёргарлиги бўйича статистик фарқлар кузатилмади. Педагогик тажриба охирида юқори стартдан 30 метрга югуриш, 3×10 метрга мокусимон югуриш, баланд турникда тортилиш, оғирлиги 1 кг бўлган тўлдирма тўпни улоқтириш, турган жойдан узунликка сакраш, ўтирган ҳолатда олдинга эгилиш, тушаётган чизғични ушлаб олиш, 6 дақиқали югуриш тестлари натижаси бўйича тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар [P<0,05] кузатилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчиларининг тажриба бошланиши ва тажриба охирида жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари


Т /р	Кўрсаткичлар		10 ёш				11 ёш			
			НГ	ТГ	t	P	НГ	ТГ	t	P
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		
1	Юқори стартдан 30 м югуриш	с	$\frac{6,9 \pm 0,3}{6,7 \pm 0,4}$	$\frac{7,9 \pm 0,5}{5,9 \pm 0,2}$	$\frac{1,91}{3,17}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{7,7 \pm 0,6}{6,4 \pm 0,4}$	$\frac{6,4 \pm 0,5}{5,6 \pm 0,6}$	$\frac{1,33}{2,92}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
2	3×10 м мокусимон югуриш	с	$\frac{10,0 \pm 0,8}{8,8 \pm 0,4}$	$\frac{9,4 \pm 0,3}{7,9 \pm 0,6}$	$\frac{1,34}{2,67}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{8,9 \pm 0,3}{8,5 \pm 0,4}$	$\frac{9,8 \pm 0,6}{7,5 \pm 0,5}$	$\frac{1,41}{2,87}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
3	Тўлдирма тўпни и улоқтириш (1 кг)	м	$\frac{5,2 \pm 0,3}{6,0 \pm 0,2}$	$\frac{4,8 \pm 0,4}{7,7 \pm 0,5}$	$\frac{1,21}{2,72}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{5,4 \pm 0,4}{6,8 \pm 0,3}$	$\frac{4,5 \pm 0,7}{7,9 \pm 0,6}$	$\frac{1,04}{3,13}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
4	Турган жойдан узунликка сакраш	см	$\frac{167,2 \pm 2,2}{168,4 \pm 3,6}$	$\frac{1623 \pm 3,0}{180,3 \pm 2,0}$	$\frac{1,72}{3,07}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{168,4 \pm 4,8}{179,2 \pm 3,6}$	$\frac{164,3 \pm 4,1}{182,5 \pm 6,2}$	$\frac{1,21}{2,67}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
5	Ўтирган ҳолатда олдинга эгилиш	см	$\frac{10,7 \pm 1,2}{11,1 \pm 1,0}$	$\frac{8,6 \pm 0,9}{14,3 \pm 0,6}$	$\frac{1,11}{3,27}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{11,1 \pm 1,1}{12,9 \pm 1,3}$	$\frac{12,3 \pm 0,8}{14,8 \pm 1,2}$	$\frac{1,67}{3,08}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
6	Баланд турникда тортилиш	м	$\frac{4,5 \pm 0,6}{5,4 \pm 0,5}$	$\frac{3,5 \pm 0,8}{6,6 \pm 0,6}$	$\frac{0,99}{2,83}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{3,4 \pm 0,8}{4,7 \pm 0,6}$	$\frac{4,8 \pm 0,7}{6,9 \pm 0,5}$	$\frac{0,97}{2,95}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
7	Тушаётган чизғични ушлаб олиш	см	$\frac{20,9 \pm 2,2}{19,8 \pm 1,4}$	$\frac{21,9 \pm 0,9}{18,8 \pm 0,8}$	$\frac{1,38}{3,02}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{20,8 \pm 1,5}{18,6 \pm 1,3}$	$\frac{19,8 \pm 0,9}{17,7 \pm 0,7}$	$\frac{1,43}{3,37}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$
8	6 дақиқали югуриш	м	$\frac{862,5 \pm 10,3}{900,2 \pm 9,0}$	$\frac{855,6 \pm 12,9}{990,2 \pm 8,0}$	$\frac{1,51}{2,77}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$	$\frac{867,8 \pm 8,5}{930,2 \pm 9,6}$	$\frac{860,2 \pm 8,2}{997,7 \pm 8,3}$	$\frac{1,18}{3,04}$	$\frac{>0,05}{<0,05}$

Изоҳ: Сурагда - тажрибадан олдинги натижалар; махражда - тажрибадан кейинги натижалар. НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи


10-11 ёшли бошланғич тайёргарлик гуруҳи шуғулланувчиларининг эшкак эшиш техникаси элементларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадида 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳолаш амалга оширилди.

